

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА СОЦИОМЕТРИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ

Ибрагимова Шахноза Баходировна

Ўқитувчи ЎзДЖТУ, Тошкент шаҳри

**Аннотация:** Ушбу мақолада америкалик социолог ва психолог Жон Морено хорижий тилларни ўзлаширишда социологик жараён омилини унумдорлик-ка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технологияга асосланган социометрия методикаси ҳақида фикр билдирилади..

**Аннотация:** В статье описывается обучение иностранного языка по методике социометрии, разработанной американским социологом и психологом Жон Морено.

**Annotation:** This article describes the training of foreign language according to the method developed by the sociology of hydrochloric American sociologist and psychologist Jon Moreno.

**Калитли сўзлар:** субъект – объект, мулоқот, “юзма-юз”ли мулоқот, дўстона муносабат, диалоги, монологи, ижтимоий тажриба, “саломалик”, симпатия, социометрик технология

Ёшларимизни баркамол авлод қилиб тарбиялаш учун қилинадиган ишларнинг барчаси юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўз аксини топган бўлиб, қайси соҳанинг мутахассиси бўлишидан қатъий назар, бугун нима иш билан шуғулланишигача қиёсий баҳоланиб, стратегик режалари оммабоп тилда тушунириб берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2010 йил 12 ноябридаги қўш-ма мажлисида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат бошқарувини янада шар-қона демократлаштириш жараёнида ҳал қилинадиган масалаларга катта урғу берилди.

Табиийки, жамиятимизда ҳар бир зиёли инсон бошқалар билан ҳамкорлик қилиш маҳорати ва санъатига эга бўлишни истайди. Бу вазифани бугунги кунда жаҳон миқъёсида ҳал қидиш учун одамларни

муомала ва мулоқот этикасига ўргатишда ўз она тилидан ташқари, бирор хорижий тилни яхши ўзлаштирган бўлиши ҳам ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бормоқда.. Айниқса мулоқотга киришишнинг ижтимоийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклланадиган қобилиятлардан ҳисобланади. У табиий ва ҳаётий нарса. . Шу боис, бугун педагогнинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири - хорижий тилни ўзлаштирган мулоқотини вужудга келтиришдир.

Мулоқотни ташкиллаштириш - бу мазкур фаолият инсон томонидан-ўзгаларни тинглашга, ўз фикрини бировларга етказишга, баъзан ёзма тарзда баён этишга тўла қобилиятлидек ўзини тасаввур қиласди. Лекин ана шу биров

бировларни тушуниш ва ўз фикрларини, ўйларини бировларга етказа олиш қобилияти аслида шахснинг инсоний муносабатлар тизимида эканлигини, ҳар бир шахс ўзига ўхшашиб инсон жамиятисиз мавжуд бўла олмаслигини билдиради. Мулоқотнинг тури ва шакллари бирхил эмас(турлича). Масалан,

- бевосита “юзма-юз” бўлиши у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф, почта ва шунга ўхшашиб) орқали амалга оширилади,
- бирон - бир профессионал фаолият жараёнидаги амалий ёки дўстона

муносабатда бўлиши,

- субъект – субъект шаклида (диалоги, шериклик)
- субъект – объект (монологи) бўлиши мумкин.

Айтиш лозимки, инсоний муносабатлар ўзаро шундай таъсирили жараён-ларки, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Ушбу

жараён дастлаб талабалар ўртасида рўй берадиган фикрлар, ҳис – кечинмалар, ташвишу-қувончлар алмашувини назарда тутади.

Одамлар мулоқотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси орта бориб инсоний ўхшашлиқ, умумийлик ва ўйғунлик каби сифатлар пайдо бўлади. Натижада улар ўртасида бир қарашдаёқ тушуна-диган, ёки яримта жумладан ҳам фикр аён бўладиган шароит вужудга келади. Айрим ҳлларда эса ана шундай мулоқотнинг тезлиги тескари реакцияларни – бир-биридан чарчашиб, ташвишу-қувончлар алмашувини назарда тутади.

гапирадиган гапнинг қолмаслиги каби вазиятни ҳам көлтириб чиқариши мүмкин. Ҳарқандай мулоқотнинг энг элементар функ-цияси қуидагича ифодаланади:

\* Биринчидан, сұхбатдошлараро бир-бирини түшүнишларини таъмин-лаш. Бу ўзбекларда самимий салом-алиқдан бошланади. Ўзбек халқининг энг нодир ва буюк фазилатларидан бири – уйига биров келса, ёш, ёки ким бўли-шидан қатъий назар, салом-алиқ билан кутиб олади, ҳол-аҳвол сўрайди, очиқ чехра билан қарши олади. Ҳаттоқи, таъзияга борганда ҳам аввал салом-алиқ, сўнгра сўрашиб ҳол-аҳвол сўрайди. Менталитетга хос бу хислат шахсни улуғлайди.

\* Иккинчидан, ижтимоий тажрибага асос солишидир. Одам боласи фақат

одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига хос инсоний хусусиятларни шакллантиради.

- Учинчидан, одамни у ёки бу фазилатга рухлантиради.

Одамлар гуру-

хидан узоқлашган, улар назаридан қолган инсоннинг қўли ишга бормайди. Аксинча, фақат ўз манфаати учун ишлайди, яшайди. Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир этади.

Инсонлар, уларнинг борлиги, шу мұхитда ўзаро гаплашиш имконияти-нинг мавжудлиги кўпинча одамнинг ишлаш қобилиятини ҳам оширади, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма-ён туриб бажариладиган операцияларда инсонлар ана шу олдида турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва қўшимча ирода топади. Тўғри, бу ҳам--корликда ўша ёнидаги одам унга ёқса, улар ўртасида ўзаро симпатия ҳисси вужудга келса, унда одам ишга “байрамга келгандек”хурсанд бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ва психолог Жон Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилининг унумдорликка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технология, яни сўровнома асосида бир-бирини ёқтирган ва бир-бирини инкор қилувчларни аниқлаган ва социометрия методикасига асос солган. Шу метод асосида хорижий тилларни ёшлиаримиз ўзлаштириши қулайлиги исботланган. Модомики шундай экан, бу методика асосида хори-жий тилларни ўрганиш ва ўргатишда ҳам катта ютуқларга эришиш мүмкин. Айниқса,, ёшларга хорижий тилларни ўргатиш борасидаги таъдим-тарбия ишларида жуда ўринли.

Аммо таъкидлаш жоизки, инсон хорижий тилни яхши ўрганган бўлсада, камолотга ёдғиз ўзи эриша олмайди.. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига мухтоҷ бўлади. Ҷунда таълим-тарбияни фақат тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камолга етказади. Айнан инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олган тақдирдагина ўз ҳаётида тўғри йўл тутади, бошқалар билан сидқидилдан ва тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидларига риоя этишни ўзи ва бошқалар учун манфаатли деб ҳисоблайди.

Хуллас, ёшларга хорижий тилларни ўргатишда санаб ўтилган усулларни қўллаб дарс жараёнини ташкил этиш, баркамол авлодни билимли мутахас-сис қилиб тарбиялашда катта самара беради.. Ана шундагина ёшларимиз хорижий тилларда бемалол мулоқот қила олади ва жаҳон миқъёсидаги зиёли тенгдошлари билан беллашишга тайёр бўла оладилар Бу эса ўз навбатида педагог ва ёшларимизнинг фаолиятини янги босқичларга олиб чиқади.

### **ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. “Юксак маъавият – енгилмас куч”, Т: “Маънавият”, 2008
2. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз”, Т: “Ўзбекистон”, 2000
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, Т: “Ўзбекистон”, 2011